



Яхудий ва насоролар хамкорлиги: Шайтон йўлидаги хамкорлик...

Аллох таоло айтади: «Эй иймон келтирганлар, яхудий ва насоролар-ни дўст тутманглар, уларнинг баъзилари баъзисига дўстлардир, ким сизлардан уларни дўст тутса, бас, у улардандир. Аник-ки, Аллох золим бўлган кавмларни хидоят килмас». (Моида: 51) Аввалги бўлимлардан маълумки яхудий ва насронийлар ўртасида Исо алайхиссаломдан кейин адоват ва душманлик килиб урушлар бўлган ва бунга сабаб икки тараф-нинг диний келишмовчилиги эди, токи XX аср бошигача десак янглиш бўлмайди, гўё тўсатдан фожиа бўлди-ю; улар дўст ва душманликни дин-ларига кўра эмас дунёдаги манфаъатларига кўра курдилар, илгари ўтган ўрталаридаги адоват ва хикду-хасадни гўё унутдилар, лекин: «уларга Шайтон факат ёлгонни ваъда килди». (Исро: 64) Мусулмонлар асло бу доирага қўшилмадилар, магар мусулмонлардан хиёнатни ўзига йўл тутганлари уларга ёрдам берди... натижада ер юзида катта фасод ва фитна содир бўлди: «Ва куфр келтирганларнинг баъзилари баъзисига дўстлардир, магар уни (яъни баъзиларингиз улар билан дўстлик) килсангизлар; ерда фитна ва катта фасод бўлади». (Анфол: 73) Яхудий ва насронийлар бир-бирларига ўтган асрнинг бошида ёрдам беришга киришдилар, аникроги мазлум Султон Абдулхамид Хон II яхудийларга Фаластинда хос имтиёзлар берилишини рад килгандан кейин у кишини тахтдан ағдариб, Усманийликка якун қўйишни касд килганларида бошланди, худди бошқа империяларни йўқ килганларидай...

Швейцариянинг Базил шаҳрида 1897 й. сионистлар илк бор конгрессга тўпланиб Фаластинда давлат куриб ватан килишлари учун ўзаро аллақачон қарор олишган эди, шунинг учун улар дадил Султон олдиғача кириб боришди. Кискаси, Истанбулга Султоннинг ҳузурига икки яхудий чиқади Корасу ва Т Херзл, улар Султонга усмоний давлатининг барча қарзларини тўлаш ва беш миллион лирага тенг келадиган олтин бериш эвазига Фаластиндан жой беришини таклиф қилади. Маълумки - Султон Абдулхамид II уларга кескин рад жавобини беради, чунки у киши улар ўйлагандан кўра уйғок одам эди, кофирларнинг исломга қўйган ҳадафини қўрган эди ва қолган мусулмонларни ҳам бундан огоҳ қилган эди... ҳатто дунёдаги бутун яхудийлар бойлигини беришса ҳам қабул қилмаслигини билдирди. Шундан кейин бу салтанатни йикитиш учун

саройдаги арзон вазир-пошаларни пора эвазига сотиб олиш бошланди, сотилмагани жуда оз эди, чунки давлатда молиявий ҳолат-пул танқис вақтида бўлган, оқибатини ўйламайдиган фаросатсиз пошалар жуда кўп эди...

Аслида бу ҳамкорлик зохирида яҳудий ва насронийлар иш бирлигига ўхшасада, лекин ҳамкорлик қилганлар улардан ажраб чиққан ва шайтоний тарикатларни ўзларига «хидоят йўли», деб билган залолатдаги либерал ва илмонийлашган турли мазҳаб-тоифаларнинг махфий оқимлари эди:

- Масонлар,
- Тампилерлар (хочли аскарлар),
- Гул ва хоч биродарлари,
- Сионистлар,
- Иллюминат,
- Tavistok аскарӣй оқими,
- Р.и.и.А Affaires (миллий институти),
- CFR,
- Bilder-Berg аъзолари,
- Trilateral komisyon (уч комиссия),
- Bahomian Grove,
- Skulls Bones,
- Club of Roma, (Рома клуби).

Ахли китобларнинг мана шундай шайтон билан ҳамкорлик қиладиган радикал, аскарӣй ва рухонӣй тарикатлари бирлашди, десак тўғрирок бўлади, бу тарикатларнинг давоми кўп; кичик-кичик, майда тўдалари ва оқимлари ҳам бор... уларга аъзо бўлган ва хизматида бўлган оилалар жуда кўп, аниқроғи шайтон йўлида руҳини сотганлар кўп... кимдур буни шунчаки афсоналар, ёки ўйлаб топилган миш-мишлар, деб ўйламасин, бу тоифалар бор, ҳаракатлари эътиқодларига кўра юритилишини билмокчи бўлганлар эса; уларнинг кимлигини танисин ва улар душманлик қилаётган одамларга карасин, мусулмонларга бўлган адоватига карасин... оқ ва қорага қараб кейин уларни фарқласин! Бу ахли китобларнинг радикал оқимлари дунёда тинчлик бўлишини хохламайди, дунёни бошқалар билан баҳам кўриб яхши яшашни хохламайди, дунёга мутлак ҳукм қилишни хохлайдилар... Айни шу мақсадда ўтган асрда ҳам Ўрта шарқ ва Араб мамлакатларида ислом динини йўқ қилиш ва бирдамликни бузиш мақсадида урушлар, кўзғолонлар ва турли найранглар олиб боришди!

Уруш: араблар ва сионистлар...

1945 йил Кохирада «Араб мамлакатлар бирлиги» бўлиб ўтади. Айнан ўша йиллари Урдун давлати иншо бўлади. 1948 йил, Фаластин ерларидан Британия мандад бошқарувини тугатиб чикиб кетар экан; Британияда Фаластинни бўлиш учун комиссия тузилиб - Б.М.Т. ташкилотига: Фаластин ерларини яхудийлар ва араблар учун тақсимлаб бериши учун таклиф килинди. 1948 йил, 14 майда Давид Бен Гурион яхудийлар учун мустақил миллий «Исроил давлати» қурулиши ҳақида эълон берди. Араблар яхудийларни кичик санаб; «хали давлат», деб тан олинмагани сабабидан Мукаддас Ерни қайтариб олиш учун уруш қилишга аҳд қилишди ва бир неча йирик урушлар бўлди:

1. Араб-лигаси ва Исроилликлар уруши: 1948 йилда Сурия президенти Шукри Куватлий: «Фаластинни қайтарамиз, Исроилни тан олмаймиз», деди. Миср, Урдун, Сурия, Ливан, Ирок давлатлари, яхудийлардан Фаластинни тортиб олай, деган бир вақтда 1948 й. 31 май Захау ташкилоти қурулди, унга дарров оврупалик бой яхудийлар хомийлик қилди ва қолаверса яхудийларга СССР. Чехо-Славакиядан туриб қурол ва 4000 та Иккинчи жаҳон урушидан келган ветеран-аскарлар юбориб арабларга қарши туриб бу урушда химога ўтиб ва Фаластин ерларига деярли тўлиқ ҳоким чиқади. 1949 йил Б.М.Т. бу урушга чек қўйиш учун сўзлашувга қакиради, Араб давлатларидан Ирокдан ташқари ҳаммаси урушни тўхташиш учун керакли келишув имзосида бўлади.

2. Сует каналида-кризис: Ундан кейин 1956 йилда яхудийлар Сует канали баҳонасида Британия ёнида ва Франсузлар қўмагида Мисрга ҳамла қилди ва Сино ярим оролини босиб олди. Бу урушни Сует канали масаласида батафсил айтиб ўтдик.

3. Олти кунлик уруш: Учинчи бор 1967 йил, 5 июндан то 10 июнгача «6-кунлик» жанг номини олган урушда ҳам яхудийлар арабларни енгиб қўйди, хаттоки шу фурсатда Урдунга тегиб турган Қуддус шаҳрини ҳам эгаллаб олишди. Араблар ушбу уч урушда; Сино ярим оролини, Газзани, Қуддусни ҳам олдиришди. Миср ҳарбийси яқсон бўлди, Урдун ҳам, Сурия ҳам уларга қарши тенг келолмади, хатто яхудийлар Ироккача уқокда бориб ҳарбий қўнаргаларини яқсон қилишди.

4. Истинзоф: 1969 й. март ойларида Миср ва Исроилликлар орасида яна бир уруш бўлиб ўтган у 1970 й. икки давлат ўртасида ҳудудларни ўзгартириш келишуви билан тўхтатилган. Буни араблар истинзоф-заифлатиш уруши, деб номлайди.

5. Киёмат жанги: 1973 йилда Сует каналида яна Миср ва Исроил ўртасида уруш бўлади, у «Киёмат кундаги жанг», деб ном олади. Миср Сино ярим оролини қайтариш учун Сурия билан бирга урушади. Исроилликлар билан 1979 йил, 26 март куни келишувлар бўлиб ўтади, натижада Миср президенти Анвар Содат Араб давлатлари ичида биринчи бор «Исроилни давлат» сифатида тан олади, бунга жавобан яхудийлар Сино ярим оролини Мисрга тўлиқ қайтариб беради.

6. Ливанга қарши жанг: 1982 йилда Ливан билан Исроилликлар уруш қилади, аниқроғи Исроилликлар Ливан ҳудудида «қўрқок олдин муш қўтарар», мақолига қўра ҳарбий операция ўтказди. Яхудийлар арабларга ачинарсиз ҳамлалар қилади, уларни жуда-жуда қийнаб қўйди.

Британия Фаластин ерларини ишғол қилганидан кейинги натижаларга умумий назар солинг: 1917-1948 йиллар орасида яхудийларни у ерга қўчириш-иммиграция тезлашиб кетади. 1948 йил ингиллизлар Фаластин ерларидан чикиб кетгач, қурулланган

сионист-яхудийлар миллиондан ошик Фаластинлик муқим аҳолини қуч билан, қурол ишлатиб ўз ватанларидан сургин қилади, натижада улар чет давлатларга қочок бўлиб қўчиб кетади, сионист-яхудийлар эса «Исроил давлати» барпо бўлишини эълон қилади. Сохта Исроил давлати қурулгандан то 2021 йилгача 6 миллион Фаластинлик қочокка айланади, бундан ташқари Фаластиндаги тарихий ерларнинг қарийб 85 % ишғол қилинади, бу ишғолга асосан «Исроил»га Америка мадад бергани ҳаммага маълумдир. Сионистлар Фаластин диёрида ва хоссатан Қуддус шаҳрида, масжидул Аксо атрофида минглаган беғуноҳ жонни ноҳақ қатл қилди, юзлаб-минглаб одамлар қашаб қолди, ногирон бўлди, бева қолди, етим қолди, ота-оналар жигаргўшаларидан, қўз қувончларидан айрилди, қарилар, аёллар, ёш болачалар, муслима-мастуралар зўрланди, ёш муслмон йигитлар ўлиб қетди, ундан ташқари юзлаб ислом маданиятига тегишли тарихий асарларни йўқ қилди, минглаб аҳолини ўзлари учун қерак бўлган «ер», деб қилган жойлардаги маҳаллаларни, уйларни воҳаларига қўшиб бузиб ташлади, Бурок деворининг ёнидаги қадимдан маҳаллий аҳоли бўлиб яшаб турган қатта Мағориба - маҳалласини бутунлай йўқ қилди, қичик бир туман яшайдиган аҳолини у ердан қўчириб-қувиб ташлади. Беш мингдан қўп ноҳақ маҳбуслар исроил-қамокхоналарида қийналмоқда, умрбод қамокка ҳукм қилинганлар, ногиронлар, аёл ва қариялар, қатто ёш болаларнинг умрлари қамокларда қазон қилинмоқда. Ишғолдан кейинги бу талофатларнинг батафсил статистикаси бўйича «ал-Мавсуъатул Филистиния» энциклопедиясига ва Қасан Мусонинг «Қуддус ва муқорак масжидул Аксо» қабитобларга қаралсин.

Қиёнат: Араблар ичида...

Дунё давлатлари «Исроил давлатини» - тан олиши қиёнат эди, бу нақарат муслмонларга, балки насронийларга ҳам ва барчага тегишлидир. Бу ҳақида муслмонлар ва насронийлар ўртасида; муслмонлар Қуддусни фатҳ қилган қунда «Умария аҳди» билан қелишув ўтган эди, яъни Қуддусда яҳудийлар учун давлат қурулиши эмас, балки у ерда муқим туришга ҳам ҳақлари йўқ эди, бу мумкин эмас эди, шунинг учун Рим империяси уларни қувигандан кейин; яҳудийлар неча юз йиллар қи Қуддусга қиролмай Зайтун тоғларидан узокдан томошо қилиб қетиш имтиёзига эга эдилар қолос, улар Қуддус ва хоссатан Байтул Макдис - Аксога яқинлаша олмаган эди. Муслмонлар эса зиёратга руҳсат берган, лекин яшашга руҳсат бермаган, бу қелишувга Шом аҳолисидан бўлган асл насронийлар ҳам қўшилган эди. Лекин... бугун ислом қилофати йўқ, бугун аҳдини тутадиган насронийлар ҳам йўқ, бугун омонат қўтарилган давр! Шунинг учун мезонлар телба-тесқари ўрнатилган, ишлар бетайинларга топширилган, иш эгалари расво бўлган давр, қоинлар ва қолим-зўравонлар даврига қелдик... «Аник-қи, Аллоҳ қоинларни севмас». (Анқол: 58.)

Хунук натижа; фасод ва уруш

Муаллиф:

12.11.2023 12:55 - Янгиланди 26.06.2025 05:02

ФАЛАСТИН ўтмиш ва келажак" китобидан